

**QORAQALPOG'ISTON  
RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR KENGASHINING  
QARORI**



**QARAQALPAQSTAN  
RESPUBLIKASI  
MINISTRLER KENESININ  
QARARI**

2023 - yil 9 - yanvar

13-13-0-Q/23

Qoraqalpog'iston Respublikasi  
Vazirlar Kengashi

**Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош, Қонликўл, Кегейли, Қораўзак,  
ва Нукус туманлари худудидаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг  
батафсил режалаштириш лойиҳалари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 21, 38, 45 ва 46-моддалари ҳамда "Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тўғрисида"ги Қорақалпоғистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 июлдаги 639-сонли қарори билан тасдиқланган Дастурга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2022 йил 12 декабрдаги 03-07/01-2705-сонли хатини инобатга олиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарор қилади:

1. «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ лойиҳа институти томонидан ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган Тахиатош туманидаги "Найманкўл" ОФЙ, Кегейли туманидаги "Ақтуба" ОФЙ, "Жузимбаг" (Қосқала) ОФЙ, Қораўзак туманидаги (Бердах ОФЙ) "Шайханакопир" аҳоли пункти, (Қараўзак ОФЙ) "Қорымлы" аҳоли пункти, Қонликўл туманидаги "Навруз" ОФЙ, (Арзымбетқум ОФЙ) "Баймаклы" аҳоли пункти, Нукус туманидаги (Тақырқол ОФЙ) "Калмен аул" аҳоли пункти, (Арбашы ОФЙ) "Жана Нокис" аҳоли пункти, (Бақаншақлы ОФЙ) "Кайшылы" аҳоли пункти, (Қырантаў ОФЙ) "Шортанбай" аҳоли пунктларининг батафсил режалаштириш лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокама баённомалари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг капитал қурилиш ва коммуникация масалалари бўйича котибияти (Ж.Якупов) Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги (А.Қурбанбаев) билан биргаликда мазкур қарорнинг 1-бандида назарда тутилган шаҳарсозлик ҳужжатларини қонунчиликда белгиланган тартибда Қорақалпоғистон

Республикаси Жўқорғи Кенгесига тасдиқлаш учун киритсин.

3. Тахиатош, Кегейли, Қораўзак, Қонликўл ва Нукус туманлари ҳоқимлари, Тахиатош туманидаги “Найманкўл” ОФЙ, Кегейли туманидаги “Ақтуба” ОФЙ, “Жузимбаг” (Қосқала) ОФЙ, Қораўзак туманидаги (Бердах ОФЙ) “Шайханакопир” аҳоли пункти, (Қараўзак ОФЙ) “Қорымлы” аҳоли пункти, Қонликўл туманидаги “Навруз” ОФЙ, (Арзымбетқум ОФЙ) “Баймаклы” аҳоли пункти, Нукус туманидаги (Тақыркол ОФЙ) “Калмен аул” аҳоли пункти, (Арбашы ОФЙ) “Жана Нокис” аҳоли пункти, (Бақаншақлы ОФЙ) “Кайшылы” аҳоли пункти, (Қырантаў ОФЙ) “Шортанбай” аҳоли пунктларининг батафсил режалаштириш лойиҳаларини (ПДП) амалга ошириш дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва босқичма-босқич амалга оширилишини ва назорат ўрнатилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Е.Аташов зиммасига юклатилсин.

**Қорақалпоғистон  
Республикаси Вазирлар  
Кенгаши Раиси**



**Ф.Эрманов**